Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат


2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 26 сентябрь, № 201 (9372) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 сентябрь куни Хитой Халқаро маданий коммуникация маркази раиси Лонг Юйсян ва Гонконгнинг «JDB Group» компанияси асосчиси Чан Хунтони қабул қилди.



Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Марказ мамлакатимизнинг Хитой билан кўп қиррали ҳамкорлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келаётгани қайд этилди. Биргаликда инфратузилмани ривожлантириш, инвестициялар ва “яшил” саноат соҳаларида қатор лойиҳалар амалга оширилди.

“JDB Group” компаниясининг Ўзбекистондаги фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида замонавий шаҳар, транспорт ва саноат инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда геология соҳаси белгиланди.

Учрашув якунида мазкур компания иштирокида амалга оширилаётган ва янги лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

АГРАР СОҲА: СУБСИДИЯ ВА СУҒУРТА ТИЗИМИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Президент Шавкат Мирзиёев аграр соҳада субсидия ажратиш ва суғурталаш тизимларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайиб, субсидиялар ажратиш жараёнлари босқичма-босқич рақамлаштирилмоқда. Жорий йилда соҳадаги субсидиялар сони 29 та йўналиш ва 91 та турга етказилиб, бу мақсадларга 2,7 триллион сўм маблағ кўзда тутилган. Қатор йўналишларда аризалар проактив шакллантирилиб, тўлов муддатлари сезиларли қисқартирилди.

Тақдимотда энди субсидияларни шунчаки харажатни қоплашга эмас, балки аниқ натижага боғлаш зарурлиги таъкидланди. Келгуси йилдан “маблағ ажратиш” моделидан “натижавий субсидия” моделига босқичма-босқич ўтиш таклиф қилинди.

Янги тизимда ҳосилдорлик, сув ҳамда энергия тежамкорлиги, сарфланган ресурслар эвазига олинган маҳсулот ҳажми асосий мезон бўлади. Барча маълумотлар тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларидан инсон омилисиз олинади. Ҳар бир субсидия олувчининг электрон паспорти шакллантирилиб, натижалар онлайн кузатиб борилади.

Дастлаб ушбу механизм сув тежовчи технологияларни жорий этиш йўналишида синовдан ўтказилади. Субсидия ажратилгандан кейин икки-уч йил давомида сув сарфи, ҳосилдорлик ва сув унумдорлиги баҳоланади. Белгиланган кўрсаткичлар бажарилмаса, субсидия маблағини қайтариш механизми қўлланилади. Бу давлат маблағларининг манзилли ва самарали сарфланишини таъминлайди.

Тақдимотда қишлоқ хўжалиги суғуртаси тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда “Agrosafe” ахборот тизими орқали электрон ариза беришдан тортиб шартнома ва полисни расмийлаштириш, мониторинг, экспертиза ҳамда товон пулини тўлашгача бўлган жараёнлар рақамлаштирилган.

Суғурта қамровини кенгайтириб, боғ ва узумзорлардаги кўчат ва дарахтлар, импорт қилинган чорва ҳамда тасодифий ҳодисалар билан боғлиқ хавфларни ҳам суғурталаш режалаштирилган. Шунингдек, чорвачилик, полизчилик, картошка ва пиёз етиштириш учун янги суғурта маҳсулотлари жорий этилади.

2027 йилда 45 мингта қишлоқ хўжалиги корхонасини суғурта билан қамраб олиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг суғурта қамровини 60 фоизга етказиш, 500 нафар мустақил эксперт тайёрлаш ҳамда суғурта хизматларини тўлиқ рақамлаштириш мақсад қилинган.

Янги ёндашувда зарар оқибатларини қоплаш билан бирга хавфларнинг олдини олишга ҳам устувор аҳамият берилади. Суғурта мукофотининг 3 — 5 фоизини махсус жамғармада шакллантириб, чорвачиликда вакцинация, профилактика ва ветеринария хизматларига, пахта ва ғаллачиликда биологик ҳимоя тадбирларига, боғдорчилик ва узумчиликда эса табиий офатлардан ҳимоя воситаларини ўрнатишга йўналтириш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари субсидия ва суғурта тизимлари, энг аввало, фермер учун содда ва қулай бўлиши, давлат маблағлари аниқ натижага хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади. Жараёнларда инсон омилини қисқартириш, шаффофликни таъминлаш, суғурта ҳодисаларини адолатли баҳолаш ва товон пулларини тезкор тўлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасаддиларга билдирилган таклифларни такомиллаштириб, тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини киритиш вазифаси қўйилди.

ЎзА.

Қўшма йиғилиш

МУРОЖААТЛАР МУАММОЛАРДАН ДАРАК

Фуқаронинг давлат идорасига мурожаат қилиши — шунчаки ариза ёки шикоят эмас. Унинг ортида ҳал этилмаган муаммо, бузилган ҳуқуқ, етишмаётган хизмат ёки оддий бир ҳаётий эҳтиёж туриши мумкин. Шу боис мурожаатлар сонининг кўпайиши ўша ҳудудда ечимини кутаётган масалалар борлигини кўрсатади. Айнан бир хил масала бўйича одамларнинг қайта-қайта мурожаатини эса шунчаки статистика сифатида қабул қилиб бўлмайди.

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси ҳамда Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитасининг қўшма мажлисида Қашқадарё вилоятида мурожаатлар билан ишлаш масалалари юзасидан масъулларнинг ахбороти эшитилди.

Йиғилишда иштирокчилар Қашқадарё вилоятида ёшлар ва хотин-қизлар, таълим, маданият, спорт соҳалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан боғлиқ мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини кўриб чиқди.

Эшитув бир саволни кун тартибига олиб чиқди: фуқароларнинг мурожаатлари ҳақиқатан ҳал бўляптими, уларни кўриб чиқиш жараёни кўпроқ ҳисобот кўрсаткичига айланиб қолмаяптими?

2026 йил январь — август ойлари бўйича келтирилган рақамлар бу саволни жиддий ўйлаб кўришга асос беради.

Масалан, Қашқадарё вилоятидан Ёшлар ишлари агентлигига саккиз ойда 106 та мурожаат тушган. Уларнинг 31 таси, яъни 29 фоизи ижобий ҳал этилган. Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармасига мурожаатлар сони анча катта — 1 555 та. Уларнинг 642 таси, яъни 41 фоизи ижобий ечим топган.

Оғриқли нуқталардан бири хотин-қизлар мурожаатларидир.

Оила ва хотин-қизлар қўмитасига Қашқадарё вилоятидан саккиз ойда 4 302 та мурожаат йўлланган. Уларнинг асосий қисми “аёллар дафтари”га киритиш ва ундаги хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш, уй-жой, оилавий низолар билан боғлиқ.

2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ТАБИАТ ҲИМОЯЧИЛАРИ БИЛАН САМАРАЛИ УЧРАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан Иқлим ўзгариши оқибатларини камайтириш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда кўчат етиштирувчи ҳамда бута уруғчилиги билан шуғулланувчи субъектлар ва давлат ўрмон хўжаликлари вакиллари билан учрашув ўтказилди.

Депутатлар, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Ўрмон хўжалиги агентлиги масъуллари, соҳа мутахассислари, олимлар, тегишли ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, яшиллик миқёсини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан 2025 йилда 1501 тонна дарахт ва бута уруғлари жамғарилиб, 127,8 млн. туп ниҳол ва кўчат, шу жумладан, 1 миллионта ёпиқ илдизли йирик ҳажмли кўчат етиштирилган. Агентлик тизимидаги 1508 гектар майдонда 80 та кўчатхона фаолият юритмоқда. “Илм — лойиҳа — амалиёт” занжири асосида 31,8 гектар майдонда замонавий кўчатхоналар ташкил этилган. 2026 йилда эса кўчатхона ва ниҳолхоналар майдони 1 017 гектарга етказилиб, 101,6 млн. туп ниҳол ва кўчат, шунингдек, 937 тонна уруғ тайёрланган.

Депутатлар соҳадаги натижаларни кўчатлар сифати, маҳаллий шароитга мослиги ва экилгандан кейинги яшаб қолиш даражаси билан баҳолаш зарурлигига эътибор қаратди. Шу нуқтаи назардан, кўкаламзорлаштириш лойиҳаларида кўчатларни камида дастлабки 2-3 йил давомида тизимли парваришлаш ва уларнинг ҳолатини мониторинг қилиш муҳим экани қайд этилди.

2

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГРУЗИЯ БОШ ВАЗИРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Ираклий Кобахидзени таваллуд куни билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, Грузия халқига фаровонлик ва бардавом равнақ тилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 2-3 июль кунлари Грузияга давлат ташрифи якунлари бўйича эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Грузия стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, шунингдек, Грузиянинг Поти ва Анаклия портлари инфратузилмасидан самарали фойдаланиш орқали транспорт жиҳатдан ўзаро боғлиқликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА.

Ҳамкорлик

АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев АҚШнинг Миссисипи штати Миллий гвардияси қўмондони, генерал-майор Бобби Жинн билан учрашув ўтказди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик, шунингдек, Миссисипи штати билан амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, 2012 йилдан буён Ўзбекистон ва Миссисипи Миллий гвардияси ўртасида амалга оширилаётган ҳамкорлик дастурига алоҳида эътибор қаратилди. Унинг доирасида мутахассислар алмашинуви, қўшма машғулотлар ва фавқулодда вазиятларга тайёргарлик бўйича тадбирлар ўтказиб келинаётгани қайд этилди.

Учрашувда бундай ҳамкорликни фавқулодда вазиятларга жавоб қайтариш, қидирув-қутқарув ишлари, муҳим инфратузилмани ҳимоя қилиш ва мутахассисларни тайёрлаш йўналишларида кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Шунингдек, Содиқ Сафоев Финляндия парламентининг Ўзбекистон билан ҳамкорлик гуруҳи раиси Вилле Скиннари билан ҳам онлайн шаклда мулоқот ўтказди.

Унда Ўзбекистон ва Финляндия ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, хусусан, парламентлараро ҳамкорликни янада фаоллаштириш, олий даражада эришилган келишувларнинг ижросида парламентларнинг роли масалалари кўриб чиқилди.

2

Эътироф

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИНИНГ МЕЪМОРИ

Эртанги кунимизнинг қандай бўлиши, аввало, бугун қандай авлодни тарбиялашимизга боғлиқ. Мазкур эзгу ва масъулиятли вазифанинг марказида эса устоз ҳамда мураббийлар туради. Зеро, инсонга илм берадиган, уни мустақил фикрлашга ўргатадиган, қалбига эзгулик ва Ватанга садоқат туйғуларини сингдирадиган зот — устоз.

Шу маънода, юртимизда ҳар йили 1 октябрнинг Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида кенг нишонланиши ҳам халқимизнинг бу касб эгаларига юксак ҳурмати ва миннатдорлигининг ёрқин ифодасидир. Мазкур сана бугун нафақат таълим тизими ходимларининг, балки бутун жамиятимизнинг умумхалқ байрамига айланган. Чунки ҳар биримиз ҳаётимизнинг муайян босқичида муаллим меҳри ва сабоғидан баҳраманд бўламиз.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар янги мактаб ва мактабгача таълим даргоҳлари барпо этиш, олий таълим тизимини дунё андозалари даражасида такомиллаштириш ва таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўринишида намоён бўлмоқда. Қолаверса, ҳар йили ўқув дастурлари ва дарсликлар янгиланиб, замонавий педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Буларнинг барчаси бир ҳақиқатни англатади: таълимга сарфланган маблағ — миллат тараққиётига киритилган энг муҳим сармоя.

Айни пайтда педагогларнинг ижтимоий ҳимояси, моддий таъминоти, касбий маҳорати ва жамиятдаги нуфузини ошириш масалалари ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Ҳар йили Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия соҳасида кўп йиллар самарали меҳнат қилган фидойи устозларнинг хизматлари муносиб эътироф этилаётгани ҳам бунинг амалий ифодасидир.

2

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2026 йил 26 сентябрь

МУРОЖААТЛАР МУАММОЛАРДАН ДАРАК

1 Эътиборлиси, ушбу уч йўналиш жами мурожаатларнинг 69,2 фоизини ташкил этади. Бу рақамлар тасодифий ҳолатлар эмас, балки аҳолининг муайян қатлами дуч келаётган ижтимоий муаммолар борлигини кўрсатади. Қашқадарё вилояти Оила ва хотин-қизлар бошқармасига эса шу даврда 3 512 та мурожаат келган. Уларнинг 716 таси уй-жой, 755 таси моддий ёрдам масалаларига оид.

Маданият ва спорт соҳасида ҳам ўзига хос муаммоларнинг борлиги турли идораларга йўлланган мурожаатларда ўз аксини топган.

Маданият соҳасида вазирликка вилоятдан 48 та мурожаат йўлланган ва 35 таси ижобий ҳал этилган. Вилоят маданият бошқармасига тушган 27 та мурожаатдан эса фақат 6 таси ечимини топган. Уларнинг асосий қисми маданият марказларини таъмирлаш ва раҳбарлар фаолиятидан норозилик билан боғлиқ.

Спорт соҳасида ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кўриш мумкин. Спорт вазирлигига қилинган 32 та мурожаатдан 27 таси ижобий ҳал этилган. 1 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган, 4 таси вазирликка тааллуқли бўлмаган масалалар бўлиб чиққан. Такрорий мурожаатлар қайд қилинмаган. Аммо вилоят спорт бошқармасига келган 27 та мурожаатнинг фақат 6 тасига ечим топилгани таассуфланарли.

Баъзи мурожаатларнинг бирортаси ижобий ҳал этилмаган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг малака баҳолаш тестларидан норозилиги бўйича 13 та мурожаат тушгани ва уларнинг бирортаси жўяли ҳал қилинмагани ачинарлидир.

Мурожаатлар билан ишлашда аҳоли олдига бориш — муҳим воситалардан бири. Бироқ келтирилган маълумотлар вилоятда бу механизмдан фойдаланиш ҳали етарли даражада эмаслигини кўрсатади. Ёшлар йўналишида саккиз ойда атиги 2 та сайёр қабул ўтказилиб, 19 та мурожаатга эътибор қаратилган. Оила ва хотин-қизлар йўналишида 3 та сайёр қабулда 30 та мурожаатчи қабул қилингани қайд этилган. Шу билан бирга, вилоят бошқармаси бўйича сайёр қабуллардa 1 289 та мурожаат кўриб чиқилгани кўрсатилган.

Статистика қанчалик кўп бўлмасин, агар унинг қайси қисми қайси босқичда ҳал этилгани аниқ кўрсатилмаса, жамоатчилик учун ҳақиқий натижани баҳолаш қийинлашади. Сайёр қабулнинг ўзи мақсад эмас. Унинг қиймати — одамларнинг идорама-идора сарсон бўлишининг олдини олиш, муаммони жойида ўрганиш ва масъулни аниқ белгилашда.

Статистик маълумотларда такрорий мурожаатлар бир неча йўналишда салмоқли экани кўринади. Хусусан, ёшлар тизимида 63 та, Оила ва хотин-қизлар қўмитасига 321 та, унинг вилоят бошқармасига 296 та такрорий мурожаат қайд этилган.

Такрорий мурожаатларнинг борлиги уларнинг ҳар бири алоҳида ўрганилиши кераклигини билдиради. Одатда бундай мурожаат жавоб фуқарони қаноатлантирмаганда ёки биринчи мурожаат бўйича берилган қарор амалда бажарилмаганда йўлланади.

Шу ўринда савол туғилади: агар фуқаронинг биринчи мурожаатида муаммо тўлиқ ҳал этилган бўлса, нима учун у яна мурожаат қилмоқда?

Бу саволга фақат “тушунтириш берилди” деган жавоб билан чекланиб бўлмайди. Мурожаатлар статистикасида “ҳуқуқий тушунтириш берилди” деган алоҳида йўналиш мавжуд. Бу, албатта, зарур амалиёт. Чунки ҳар бир мурожаатни ижобий ҳал қилишнинг имкони бўлавермайди. Аммо муаммонинг илдизи шундаки, тушунтириш билан якунланган мурожаатлар улуши айрим йўналишларда ниҳоятда салмоқли. Масалан, Ёшлар ишлари агентлигига келган 106 та мурожаатнинг 62 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилган. Бу қарийб 59 фоиз дегани.

Ёшлар етакчиларининг хатти-ҳаракатидан норозилик бўйича келган 42 та мурожаатдан эса фақат 8 таси ижобий ҳал этилган, 32 тасига тушунтириш берилган.

Фуқарога ҳуқуқини тушунтириш — бир масала. Аммо унинг шикояти давлат органи ходимининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ҳақида бўлса, иккинчи савол пайдо бўлади: ходимнинг ҳаракати холис ўрганилдими ва натижаси фуқарога асосли тарзда тушунтирилдими?

Мурожаатлар билан ишлашнинг ҳақиқий самарадорлиги айнан шу нуқтада намоён бўлади. Шунинг учун такрорий мурожаатлар улушини камайтириш алоҳида кўрсаткич сифатида белгиланиши, унинг сабаблари кесимида мунтазам таҳлил олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

> Асосийси, мурожаатлар сонини камайтиришнинг ўзи мақсад бўлмаслиги керак. Аксинча, одамларнинг нима сабабдан мурожаат қилаётганини англаш, уни бартараф этиш ва бир хил муаммонинг яна такрорланишига йўл қўймаслик устувор вазифага айланиши лозим. Зеро, яхши ишлаётган тизим — кўп мурожаат тушмайдиган тизим эмас. Яхши ишлаётган тизим — фуқаро муаммоси бир марта кўтарилгандаёқ эшитиладиган, асосли жавоб оладиган ва имкони борича амалда ҳал этиладиган тизим.

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ («Халқ сўзи»).



ТАБИАТ ҲИМОЯЧИЛАРИ БИЛАН САМАРАЛИ УЧРАШУВ

1 Муҳокамада мамлакатда экологик барқарорликни таъминлаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида белгиланган вазифаларни сифатли амалга оширишда кўчатчилик базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий иқлим шароитига мос ва яшовчан кўчатлар етиштириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА, қўмита аъзоси:



— Савол-жавобларга бой бўлган учрашувда кўчат етиштирувчи ва бута уруғчилиги билан шуғулланувчи субъектлар ва давлат ўрмон хўжаликлари вакиллари томонидан интенсив кўчатчилик тизимига ўтиш, кўчатхоналарни автоматлаштирилган усулда томчилатиб суғориш, фертигация-ўсимликларни суғориш суви орқали ўғитлаш, тупроқ намлигини назорат қилувчи датчиклар, соялатиш ва бошқа ресурс тежовчи технологиялар билан жиҳозлаш масалалари юзасидан таклифлар билдирилди. Бундай ёндашув, албатта, сув, меҳнат ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, стандарт ҳамда сифатли экиш материаллари етиштириш имкониятини янада кенгайтиради.

Учрашувда иштирок этган олимлар ва соҳа мутахассислари томонидан ҳар бир кўчатхонада оналик ҳамда уруғлик плантацияларини шакллантириш, ҳудуд шароитига мос ва келиб чиқиши тасдиқланган уруғлардан фойдаланиш, фитосанитар назоратни кучайтириш, янги турларни илмий синовлардан кейингина оммавий етиштиришга жорий этиш бўйича таклифлар берилди.

Шунингдек, улар соҳада учраётган муаммолар бўйича ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Депутатлар томонидан соҳада миқдор кўрсаткичларидан сифат ва натижадорликка асосланган тизимга ўтиш, замонавий интенсив кўчатхоналар тармоғини кенгайтириш, сув тежовчи ва рақамли технологияларни жорий қилиш, маҳаллий шароитга мос кўчатлар етиштириш ҳамда бюджет ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш масалаларини парламент назорати доирасида мунтазам ўрганиб бориш муҳимлиги қайд этилди.

Якунда муҳокама қилинган таклифлар асосида амалдаги механизмларни такомиллаштириш, масъул идоралар фаолияти самарадорлигини ошириш ва зарур ҳолларда қонунчиликка тегишли таклифлар ишлаб чиқиш белгиланди.

«Халқ сўзи».

АЛОҚАЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

1 Парламентлараро алоқаларга тизимли тус бериш мақсадида 2026-2027 йилларга мўлжалланган қўшма ҳамкорлик режасини ишлаб чиқиш, парламент делегацияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, қўмиталар ва ҳамкорлик гуруҳлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни фаоллаштириш, шунингдек, парламент назорати соҳасида тажриба алмашиш таклиф этилди.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш учун мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш муҳимлиги ҳам таъкидланди. Хусусан, минерал хомашёни чуқур қайта ишлаш, энергия самарадорлигини ошириш, саноатни рақамлаштириш ва замонавий технологияларни жорий этиш истиқболли йўналишлар сифатида қайд этилди.

Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий аҳамиятга эга қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, таълим, касбий тайёргарлик ва илғор тажрибаларни алмашиш соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот

ГЕНДЕРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова Осиё тараққиёт банки миссияси аъзолари ва экспертлари билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистонда гендерга йўналтирилган бюджетлаштиришни босқичма-босқич жорий этиш, бюджет маблағларининг ижтимоий самарадорлигини баҳолаш ҳамда парламент назоратини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Осиё тараққиёт банки ва “БМТ-аёллар” тузилмаси билан ҳамкорликда гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилган, 2025-2026 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тасдиқланган. Шунингдек, бешта вазирлик ва идорада 2026 — 2028 йиллар учун мақсадли индикаторларни шакллантиришда гендер кўрсаткичларни ҳисобга олиш амалиёти жорий этилмоқда.

Учрашувда бу жараёнда мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, ўқув семинарлари ташкил қилиш ҳамда халқаро тажрибани ўрганиш масалаларига урғу қаратилди.

Анжуман

ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАНИ ЎРГАНИШ – КУН ТАЛАБИ

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, замонавий ветеринария хизматларини ривожлантириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш ҳамда илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга кенг татбиқ этиш давлатимиз доимий эътибор марказида.

Кеча Тошкент давлат аграр университетида бўлиб ўтган “Барқарор чорвачилик ривожида ветеринария илм-фанининг ўрни” мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуманда ҳам шу ҳақда сўз юритилди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова, профессор-ўқитувчилар, соҳа мутахассислари, Жанубий Корея, Хитой, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Конференция доирасида ветеринария соҳасида илғор хорижий тажрибани ўрганиш, замонавий технология ва ёндашувларни амалиётга жорий этиш, олимлар ҳамда соҳа мутахассислари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Тадбир якунида ветеринария соҳасида илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, чорвачилик тармоғининг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИНИНГ МЕЪМОРИ

1 Узоққа бормайлик, куни кеча Ўзбекистондаги педагоглар ўртасида йилнинг энг катта беллашуви — Президент ташаббуси билан жорий этилган “Йил ўқитувчиси” танлови ғолиблари аниқланди. Танловда қатнашган 46 мингдан ортиқ педагог-ўқитувчилар орасидан биринчи ўринни эгаллаган 208 нафар ғолибнинг ҳар бири 616 млн. сўм пул мукофоти билан тақдирланади. Ана шу рақамларнинг ўзи Янги Ўзбекистонда устознинг мавқеи қай даражада юксалганидан далолатдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатидаги илк учрашувларидан бирининг академиклар, етакчи олимлар ва илм-фан намояндалари билан ўтказилгани ҳам илм аҳлига бўлган юксак эътиборнинг рамзий ифодасидир. Чунки илмий мактабларнинг давомийлиги, илмий тажрибанинг авлоддан-авлодга ўтиши, янги тадқиқотчиларнинг камол топиши, кўп жиҳатдан “Устоз — шогирд” анъанасининг бардавомлигига боғлиқ.

Бугун мамлакатимиз олдида турган улуғ мақсадлардан бири — Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш. Бу буюк вазифани билимли, кенг дунёқарашли, мустақил фикрлайдиган ва Ватан тақдирига дахлдор ёш авлодсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай авлод эса, аввало, таълим масканларида шаклланади. Устознинг вазифаси фақат дарс бериш, муайян фанни ўргатиш билан чекланмайди. У ёш қалбда ишонч уйғотади, уни изланишга ундайди, мустақил фикрлашга ўргатади. Бу вазифалар билан бир қаторда ёшларни рақамли технологиялар, инновацион ёндашувлар ва замонавий билимларни ўзлаштиришга йўналтиради. Энг муҳими, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантиради. Шу боис педагогнинг жамиятдаги мавқеини



юксалтириш фақат бугунги кун талаби эмас. Бу мамлакатнинг эртанги тараққиёти учун стратегик аҳамиятга эга вазифадир.

Азалдан халқимиз маънавий меросида устоз-шогирд муносабатлари алоҳида ўрин тутиб келган. Бу қадрият асрлар давомида сайқалланиб, миллий тафаккуримиздан мустаҳкам ўрин олган. Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий:

Ҳақ йўлинда ким сенга
бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо
онинг ҳақин юз ганж ила,

дея устоз меҳнатининг беқиёс қадрини теран ифодалаган. Ёки мумтоз адабиётнинг яна бир улкан вакили Абдураҳмон Жомийнинг *“Жаҳонда бўлмаса муаллим агар, ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар”* деган ҳикмати ҳам муаллимнинг инсон камолоти ва жамият тараққиётидаги ўрни нечоғли юксак эканини кўрсатади.

Буюк аждодларимиз ҳаётига назар ташласак, “Устоз — шогирд” анъанасининг нақадар муқаддас қадрият бўлганига кўплаб мисоллар топамиз. Устоз шогирдига фақат касб ёки ҳунар сирларини эмас, балки ҳаётий тажриба, инсоний фазилатлар, эзгулик ва Ватанга садоқат туйғусини ҳам ўргатади. Шунинг учун халқимизда “Устоз отангдек улуғ” деган пурмаъно ҳикмат шаклланган.

Бугун ушбу анъана янги давр талаблари асосида янада бойиб бормоқда. Мазкур жараёнда тажрибали устозларнинг ҳаётий ва касбий сабоқлари ёш педагоглар учун ҳам муҳим мактаб вазифасини ўтамоқда. Зеро, авлодлар ўртасидаги маънавий ворислик, касбий тажрибанинг давомийлиги ва миллий қадриятларнинг барқарорлиги айнан ана шу устоз-шогирд муносабатлари орқали таъминланади.

Давлатимиз томонидан таълим-тарбия тизимида самарали фаолият кўрсатиб, ёшларга чуқур билим ва тарбия бериш, илғор педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига жорий этишда муносиб ҳисса қўшган педагогларнинг меҳнати муносиб рағбатлантириб келинмоқда. Хусусан, мустақиллик йилларида бир неча нафар ўқитувчи ва мураббийларнинг “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлгани ҳам устозлар меҳнатига берилган юксак баҳодир. Албатта, бундай эътироф бир инсоннинг шахсий ютуғинигина эмас, балки бутун педагоглар жамоасининг машаққатли меҳнатига бўлган ҳурматни ҳам ифода этади.

Устозлар — миллатнинг билим ва тажрибасини келажак авлодга етказувчи маънавий кўприк. Уларнинг ҳар бир дарси, ҳар бир насиҳати, ҳар бир шогирди тақдирига эътибори жамият келажагига дахлдор. Шу боис Ўқитувчи ва мураббийлар кунини нишонлаш шунчаки касб байрами эмас. Бу кун ҳар бир инсонга ўз ҳаётида из қолдирган устозларини эслаш, уларга миннатдорлик билдириш, илм ва маърифатнинг қадрини яна бир бор англаш имконияти, десак, айни ҳақиқат.

> Миллат келажаги мактаб партасида, аудиторияларда, устознинг сабоқ ва тарбияси билан шаклланади. Бугунги устознинг меҳнати эртанги авлоднинг билими, тафаккури ва маънавий қиёфасида намоён бўлади. Шу маънода, устозга кўрсатилган ҳурмат миллат келажагига кўрсатилган ҳурматдир.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

БУГУНГИ ЁШЛАР НИМА ИСТАЙДИ?

Ёшларнинг ҳуқуқий билими ва фуқаролик фаоллигини ошириш, уларнинг фикр ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлис Сенати аъзолари томонидан ёшлар билан очиқ мулоқотлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Сенатор ва ҳаёт

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов Сергели тумани ёшлари билан учрашиб, уларни қийнаётган масалаларни ўрганди.

Мулоқот давомида ёшларни ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш, касб-ҳунар ҳамда замонавий IT йўналишларига ўқитиш, таълим олиш, уй-жой билан таъминлаш, фуқаролик паспортини расмийлаштириш каби масалалар кўриб чиқилди.

Муаммоларни ҳал этиш жараёнига туман ва шаҳар даражасидаги мутасаддилар жалб қилиниб, ўндан ортиқ йигит-қизларнинг масаласи учрашувнинг ўзида ҳал этилди. Қолган ҳолатлар бўйича масъулларга аниқ вазифалар белгилаб берилди ва ижроси назоратга олинди.

Суҳбатда ёшларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, ҳуқуқий ва молиявий саводхонлигини ошириш, замонавий касбларни эгаллашига ҳамда маҳалладаги ижтимоий масалаларга бефарқ бўлмаслигига эришиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўрганишлар доирасида тумандаги криминоген вазият, маҳаллалар ободонлиги ва камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар билан ҳам танишилди. Хусусан, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳолати маҳаллалар кесимида таҳлил қилиниб, 8 ой якунига кўра “қизил” тоифага киритилган Эшонбулоқ маҳалласидаги ижтимоий-иқтисодий ва криминоген вазият ўрганилди. “Маҳалла еттилиги” ва фуқаролар билан мулоқотда мавжуд муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда ечимларига урғу қаратилди.

Ўрганиш якунида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш, аҳолини қийнаётган масалаларни ҳал этиш ҳамда маҳалладаги ижтимоий муаммоларни бартараф қилиш бўйича масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

* * *

Тошкент амалий фанлар университетида ҳам худди шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Маматкаримов, университет профессор-ўқитувчилари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Учрашувда мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, таълим, бандлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз борди.

Ёшларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакат тараққиётидаги иштирокини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда ёшлар таълим сифатини ошириш, иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, ахборот технологиялари соҳасидаги имкониятларни кенгайтириш ҳамда спорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича таклиф ва ташаббуслари билан ўртоқлашди.

Билдирилган таклифлар юзасидан уларни амалга ошириш имкониятлари муҳокама қилиниб, тегишли мутасадди ташкилотлар иштирокида кўтарилган масалаларни босқичма-босқич ҳал этиш бўйича аниқ йўналишлар белгилаб олинди.

* * *

Навбатдаги учрашув Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова билан Тошкент давлат аграр университети талабалари ўртасида бўлиб ўтди.

Очиқ мулоқотда аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, соҳада ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида фикрлашилди. Талабаларга соҳадаги ўзгаришлар, илмий тадқиқот ишлари йўналишлари, замонавий касбий кўникмаларни эгаллаш ва инновацион ғояларни амалиётга татбиқ этиш кўникмалари, шунингдек, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича маълумот берилди.

Ўз навбатида, аграр соҳада рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, талабаларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш ва ёшларни илмий изланишларга кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтказилган тадбирлар якунида ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, улар билан очиқ мулоқотни тизимли давом эттириш ҳамда билдирилган таклифларнинг ижросини таъминлаш муҳимлиги айтилди.

«Халқ сўзи».

2030 йилга бориб мамлакат иқтисодиёти ҳажмини 300 млрд. долларга етказиш мақсад қилинган, аҳоли сони эса 41 миллиондан ортиши кутилмоқда.

Акс садо



ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА НАМОЁН

Давлатимиз раҳбарининг Андижон вилоятига ташрифи ва фаоллар билан учрашувини кузатиб, бир ҳақиқатни чуқур ҳис этдим: Андижон, ҳақиқатан ҳам, янги давр остонасида турибди. Буни ташриф давомида илгари сурилган ташаббуслар, янги режалар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.



Бугун ҳудуд ривожи учун барча куч сафарбар этилган, десам, адашмайман. Ислоҳотлар ортидан одамларнинг турмуши яхшиланяпти, ишсизлик ва камбағаллик қисқаряпти. Таълим, тиббиёт ҳамда маҳаллалар ободлиги янги босқичга чиқмоқда. Президентимиз вилоятимизни мамлакатнинг Шарқий дарвозаси, меҳнаткаш ва иродали инсонлар юрти деб алоҳида эътироф этди. Бу биз учун катта фахр, шу билан бирга улкан масъулиятдир.

Оддий ҳақиқат бор: ота ўз оиласи, фарзандлари камоли ва фаровонлиги учун қандай куйиб-пишса, Юртбошимиз ҳам кечаю кундуз тиним билмай эл-юрт ободлиги ҳамда юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар аҳил-иноқлиги йўлида астойдил хизмат қилаётир. Лекин бир нарсани тўғри тушунишимиз керак, отанинг хайрли ҳамда эзгу ташаббуслари амалга ошиши учун фарзандлар елкадош бўлиши, жойлардаги раҳбарлар ва ҳар бир фуқаро фидойилик кўрсатиши керак.

Дарвоқе, учрашувда юзта маҳаллада “Янги Ўзбекистон қиёфаси” дастурини амалга ошириш учун катта маблағ ажратилиши айтилди. Кўчалар таъмирланади, ичимлик суви, электр тармоқлари янгиланади. Илк бор Андижонда Аёлларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, 20 миллион доллар ажратиладиган бўлди. Бу минглаб хотин-қизларимизга иш, тадбиркорлик ва оилавий фаровонлик беради. Энг муҳими, бу ўзгаришлар қоғозда эмас, ҳар бир хонадону маҳаллада сезилишига ишонаман.

Давлат раҳбари томонидан Андижонга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва юксак ишонч, меҳр-эътиборни амалий натижалар билан оқлаш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Ўктамжон ОХУНОВ,
«Нуроний» жамғармаси Андижон вилояти бўлими раҳбари, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши раиси, Сенат аъзоси.



БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР МАРКАЗИДА – ИНСОН МАНФААТЛАРИ

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида ҳар бир вилоят, туман ва маҳалла ҳаётида сезиларли ўзгаришлар юз бериб, инсон манфаатлари барча саъй-ҳаракатларнинг марказида турибди. Ана шундай эзгу анъана ва бунёдкорлик руҳи Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига қилган навбатдаги ташрифида яққол намоён бўлди.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари раҳбарлари ва аъзоларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ КЕЛГУСИ ЎСИШ НУҚТАЛАРИ

Актам ХАИТОВ,
ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари:



— Бугун Андижонда иқтисодий ривожланиш янги босқичга чиқмоқда. Аҳолиси 3,5 млн.дан зиёд, ер ресурслари эса чекланган вилоят учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш жуда муҳим. Бу йўналишдаги ўзгаришлар иқтисодий кўрсаткичларда ҳам намоён бўлиб турибди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят иқтисодиётида ижобий ўсиш кузатилди. Жумладан, ҳудуд иқтисодиёти 8,8 фоиз, саноат 9,2 фоиз, хизматлар соҳаси эса 16,1 фоиз ўсди. Инвестициялар ҳажмининг 8,9 фоиз кўпайиши янги корхоналар ва ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилаётгани, тадбиркорлик фаоллиги ошиб бораётганидан далолат беради.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи доирасида ишга туширилган ва қурилиши бошланган 206 та инвестициявий лойиҳани ҳам вилоят иқтисодиётининг келгуси ўсиш нуқталари сифатида баҳолаш мумкин.

Энг муҳими, лойиҳалар бир йўналишга эмас, энергетика, машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш, фармацевтика, логистика, туризм, таълим ва тиббиёт каби ўзаро боғлиқ тармоқларга йўналтирилган. Бу эса вилоят иқтисодиётини диверсификация-ланган тизим сифатида барқарор ривожлантириш имконини беради.

Лойиҳаларнинг иқтисодий аҳамиятини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг тўлиқ амалга оширилиши натижасида 45 мингдан зиёд иш ўринлари, йилига 60,6 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 533 млн. долларлик экспорт салоҳияти яратилади. Бу Андижон учун оддий инвестиция ҳажмидан кўра кенгроқ имкониятни англатади: маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, янги технологик занжирларни шакллантириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун янги иқтисодий база пайдо бўлади.

Электр автобуслари, қуёш панеллари, микрогидроэнергетика ускуналари, мебель ва чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби лойиҳалар ҳам вилоят саноатининг таркибий жиҳатдан янгиланаётганини кўрсатади.

Андижоннинг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ ишга солиш фақат янги корхоналар сонини кўпайтириш билан ўлчанмайди. Ҳар бир инвестиция ердан кўпроқ қиймат олиш, юқори даромадли иш ўрни яратиш ва тадбиркорлик учун янги уфқларни очиши керак.

Ишончимиз комилки, 206 та лойиҳа доирасида шаклланаётган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватлари вилоятнинг мавжуд саноат тажрибаси, тадбиркорлик салоҳияти ва инсон капитали билан уйғунлашса, иқтисодий ўсишнинг таъсири янада кенгаяди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲАҚИҚИЙ ҚИЙМАТИ — ТЕЖАМКОРЛИК

Абдушукур ҲАМЗАЕВ,
Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари:



— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи давомида танишилган лойиҳаларни кузатиб, беихтиёр қувондик ва ғурурландик. Боиси барпо этилаётган ишлаб чиқариш корхоналарида нафақат иқтисодий фойдага, балки экологик тозалик ва хавфсизликка ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Аслида, бугун тараққиётнинг ҳақиқий қиймати қанча маҳсулот ишлаб чиқарилгани билан бирга, ана шу маҳсулот қандай технология асосида, қанча ресурс сарфлаб ва табиатга қандай таъсир кўрсатган ҳолда ишлаб чиқарилаётгани билан ҳам белгиланади. Андижон туманидаги “Eco Cotton” корхонаси ана шу янги ёндашувнинг ўзига хос намунаси, десак, хато бўлмайди. Маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида экологик тоза, халқаро стандартларга мос трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонага 10 млн. доллар инвестиция киритилиб, 1 000 та доимий иш ўрни яратилган. Корхона тўлиқ қувватда ишлаганда Давлат бюджетига йилига 25 млрд. сўм тушум келтириши кўзда тутилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу ерда замонавий автоматлаштирилган конвейерлар, рақамли бошқарув тизимлари ва сунъий интеллект ёрдамида ишлайдиган тикув дастгоҳлари қўлланилмоқда. “Ақлли” тизим мато турига қараб иш жараёнини реал вақт режимида автоматик тарзда созлайди. Натижада маҳсулот сифати ошиши билан бирга, ишлаб чиқаришдаги аниқлик ва ресурслардан самарали фойдаланиш имконияти кенгаяди. Роботларнинг синов тариқасида ишлатилаётгани эса саноатнинг эртанги куни бугундан шаклланаётганини кўрсатади.

Энг муҳими, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Илгари чиқинди ҳосил бўлишига ишлаб чиқаришнинг табиий жараёнидек қаралган бўлса, бугун қайта ишланиши, қайта қийматга айлантирилиши ва табиатга зарарли таъсирини камайтириш лозим бўлган ресурс сифатида ёндашилаётгани ҳам иқтисодий, ҳам экологик томондан фойдали бўлмоқда.

Муқобил энергия манбаларидан фойдаланишда Андижон вилоятида ҳам шароит ва тажриба етарли. Ўтган даврлар мобайнида бир қанча микроГЭСлар ишга туширилди. Президентимизнинг тегишли қарори билан ташкил этилаётган “Andijon Jinlun yangi energiya” корхонаси ана шундай микроГЭСлар учун зарур ускуналарни тайёрлаш орқали тоғли ва сув ресурсларига бой Марказий Осиё давлатларида ҳам бу амалиётнинг кенгайишига замин яратади.

Андижондаги бу лойиҳалар бир-бири билан узвий боғлиқ. “Eco Cotton” маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш, рақамлаштириш ва чиқиндиларни камайтиришни намоён этса, кичик ГЭСлар лойиҳаси сув ресурсидан “яшил” энергия олиш имкониятини кенгайтиради. “Ақлли” сув ҳисоблагичлар эса энг қимматли табиий ресурслардан бирини тежаш ва бошқаришнинг янги усулини таклиф этади.

Бу лойиҳаларнинг замирида битта катта ғоя бор: ресурсни исроф қилмасдан тараққиётга эришиш. Бунга давлат раҳбари томонидан катта эътибор қаратилаётгани, қўллаб-қувватланаётгани, тўла-тўкис юзага чиқиши учун шарт-шароит яратилаётгани катта куч бағишлайди.

ЁРДАМ БЕРИШ ЭМАС, ИМКОНИЯТ ЯРАТИШ МУҲИМ

Улуғбек ИНОЯТОВ,
ЎзХДП фракцияси раҳбари:



— Кўпчилик яхши билади, бундан ўн йиллар аввал Ўзбекистонда камбағаллик алоҳида давлат сиёсати даражасида очиқ тан олинмаган ва чуқур ўрганилмаган муаммо эди. Аҳоли даромадлари, бандлик ва ижтимоий ҳимоя масалалари, асосан, бир марталик ёрдам механизмлари орқали ҳал этилар, камбағал оилани аниқлаш, манзилли қўллаб-қувватлаш, даромадли қилиш занжири ҳали шаклланмаган эди. Ўша пайтда 7,5 млн. киши, яъни аҳолининг 23 фоизи камбағаллик чегарасига ҳам етмаслиги қайд қилинган. Бунинг оқибатида меҳнат бозорида яширин ишсизлик ва боқимандалик кайфияти юқори даражада сақланиб қолган, айрим халқаро экспертлар баҳосига кўра, ўша даврда реал камбағаллик даражаси аҳолининг қарийб 35 фоизини ташкил этарди.

Кейинги йилларда биринчи марта камбағаллик очиқ тан олиниб, уни қисқартириш энг муҳим ижтимоий-сиёсий вазифалардан бири сифатида белгиланди. Ижтимоий сиёсатнинг мазмуни ҳам ўзгарди: нафақа ва ёрдамдан манзилли ижтимоий ҳимоя, бандлик, касбга ўқитиш, имтиёзли кредит, субсидия, компенсация ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга асосланган тизимга ўтилди. Халқаро ҳисоб-китобларга кўра, 2016 — 2022 йилларнинг ўзида юртимизда 5,1 млн. киши камбағалликдан чиққан. Демак, давлатнинг фуқарога муносабати ёрдам берувчи моделдан имконият яратувчи моделга, ижтимоий ҳимоядан ижтимоий-иқтисодий фаолликни рағбатлантиришга қараб ўзгарди.

Бу ёндашувнинг ҳудудий аҳамиятини Андижон мисолида ҳам кўриш мумкин. 4 фоиз атрофида қайд этилаётган эҳтиёжманд аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш вазифаси иш жойи, даромад манбаи, касб ва иқтисодий имконият яратиш билан боғлиқдир. Бугун вилоятда ишга туширилаётган ва қурилиши бошланаётган умумий қиймати 9,4 млрд. долларлик 206 та лойиҳа ана шу имкониятларни кенгайтириш учун муҳим иқтисодий база бўлиб, камбағалликни бартараф этиш истиқболларини кучайтиради.

ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси:



— Президентимиз ўтган 2025 йилнинг 15-16 апрель кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида кўплаб истиқболли лойиҳалар билан танишиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш юзасидан тегишли топшириқлар берган эди. Ушбу устувор вазифалар ижроси ҳудуд қиёфасини тубдан ўзгартириб, инфратузилмани янада яхшилашда муҳим қадам бўлди.

Андижонда бошланган истиқболли лойиҳалар бугунги кунда изчил давом эттирилиб, ҳудудда яратилаётган қулай тадбиркорлик ва инвестициявий муҳит саноат тармоқларини ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, 23 сентябрь куни давлатимиз раҳбари иштирокидаги маросимда 206 та лойиҳа қамраб олиниб, улардан 98 таси ишга туширилди, 108 та объектнинг қурилиши бошланди.

Бу каби кенг кўламли бунёдкорлик ва инфратузилма янгиланишлари қаторида ҳудудда саноат тармоқлари ҳам жадал ривожланмоқда.

Мамлакатимизда ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишнинг яққол намунаси сифатида Хўжаобод туманидаги “Андижон технопарки” лойиҳасини келтириш мумкин. Адирликларни ўзлаштириш ҳисобига ажратилган 100 гектар майдонда 51 та саноат корхонасини жойлаштириш режалаштирилган.

Технопаркда Хитойнинг “Sanchuan” ҳамда “Huawei” компаниялари ҳамкорлигида қиймати 25 млн. долларлик “ақлли” сув ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Бу ердаги жараёнларнинг 80 фоизи роботлаштирилган бўлиб, йилига 1 млн. дона замонавий ҳисоблагич тайёрланади. Бу эса сув ресурсларини тежаш ва тизимни рақамлаштиришда муҳим қадам бўлади.

Вилоятимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва янгиланишлар биз, депутатлар зиммасига ҳар қачонгидан ҳам улкан масъулият юклайди. Қабул қилинаётган ҳар бир қарор ва эзгу ишларнинг ижросини яқиндан қўллаб-қувватлаб, юртдошларимизнинг розилигига эришиш энг асосий вазифамизга айланади.

«Халқ сўзи».

АСРГА ТАТИГУЛИК ЎЗГАРИШЛАР

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи олдида юз йил унчалик узоқ давр эмас. Бироқ халқ, юрт ва авлод тақдири нуқтаи назаридан қаралганда, бу йиллар замирида улкан ўзгаришлар, машаққатли изланишлар, қувончли ютуқлар ҳамда унутилмас воқеалар мужассам.


Шукроналик

Умуман, гап йилларнинг кўп ёки озлигида ҳам эмас. Муҳими, уларнинг қандай кечганида, халқ қандай синовларни бошидан ўтказганида ва бугунги осуда кунларга қай тарзда етиб келганида.

Бизнинг Нарпай туманимиз 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Туманимиз 100 ёшга тўлган жорий йилда мен 102 ёшни қаршиладим. Бироқ Нарпайнинг тарихи туман ташкил топган сана билан бошланмайди.

Нарпай — тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган, ҳар бир гўшасида аждодларимиз ҳаётидан дарак берувчи излар сақланган замин. Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида жойлашган бу ҳудуднинг табиий шароити қадимдан одамлар яшаши, овчилик, балиқчилик, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиши учун қулай бўлган.

Туманнинг кейинги тарихи ҳам меҳнат, матонат ва мураккаб синовларга бой. Колхозлаштиришнинг мураккаб ва таҳликали йиллари, Иккинчи жаҳон урушининг суронли кунлари, фронт ортида кечган машаққатли меҳнат, урушдан кейинги тикланиш даврининг оғир синовлари — буларнинг барчаси ҳаётимизда чуқур из қолдирди. У кунларни, унинг қалбга солган оғриқларини эсласам кўзимга ёш келади.



Ўша оғир йилларда юртдошларимиз, жумладан, туманимиз аҳлининг ҳам елкасига улкан масъулият тушди. Далаларда меҳнат қилинди, ризқ-рўз топилди, фронтдагиларга мадад кўрсатилди. Кўплаб инсонлар ўзининг шахсий манфаатидан кўра эл-юрт ташвишини устун қўйган. Ана шу матонат ва сабр-тоқат туфайли оғир кунлар енгиб ўтилди.

Ўтган асрнинг 30-йилларидаги қатағондан жабр кўрган зиёлилар, 80-йиллардаги “пахта иши” оқибатида оғир тақдирга дуч келган кишилар хотираси ҳам тарихимизнинг ажралмас қисми.

Бугун ёшларга болалигимиз бир бурда нон ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган даврларга тўғри келган, десанг ишонмайди. Ростда, бугун тўкин-сочинлик замони, ҳаётимиз фаровон. Меҳнат қилган кам бўлмаяпти. Тобора чиройли касб этаётган ҳудудларда юртдошларимиз қайноқ меҳнат жараёнлари билан машғул. Энг чекка қишлоқларда ҳам бўш ўтирган, мақсад-режасиз кўча-кўйда санғиган бирор кишини учратмайсиз. Инсонлар бугуни кечагидан, эртаси бугунидан яхшироқ, ҳаёти тўкис бўлиши учун тер тўкмоқда. Шу орқали хонадонига барака киритяпти. Жамиятга нафи тегмоқда. Мамлакат тараққиётига ҳисса қўшмоқда.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонимиз қиёфаси йилдан-йилга чирой очиб, аҳоли турмуш шароити янада яхшиланмоқда. Худди шундай, бизнинг Нарпай туманимизда ҳам ўзгаришлар кўлами кенг. Бу жараёнлар туманимиз ҳаётида ҳам кўзга яққол ташланади. Нафақат туман маркази, балки чекка маҳаллаларда ҳам кўз кўрса қувнайдиган янгиланишлар бўляпти. Қишлоқларда ичимлик суви тармоқлари яхшиланиб, электр энергияси, суюлтирилган газ баллонларининг таъминоти билан боғлиқ муаммолар ечим топмоқда. Ички йўллар таъмирланиб, асфальтланиши натижасида аҳоли учун қатнов қулайликлари янада ортди.

Юртимизда тадбиркорлик кенг қулоч ёйди. Энди ночорман, камбағалман, дея ҳаракатсиз ўтириш оқилона иш эмас. Интилган, фидойи ҳар бир тадбиркорни давлат, албатта, қўллаб-қувватламоқда. Янги иш ўринлари яратилиб, оилалар даромади кўпаймоқда. Бир асрдан ошиқ умр кечириб, бундай шиддатли ўзгаришларни кўрмаганман.

Нарпай заминининг ҳақиқий бойлиги — унинг тарихини яратган ва бугунги тараққиёти учун меҳнат қилаётган инсонлари. Юз бераётган янгиланишлар шаҳару қишлоқларимиз қиёфасида ҳам, одамларимизнинг тафаккури, онгу дунёқарашида ҳам ўзгариш ясади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, бугун халқимиз — кечаги халқ эмас. Ўзбекистон ҳам, кечаги Ўзбекистон эмас.

Инсон меҳнати ва эзгу ишлари билан ҳаётда қадр топади, обрў-эътибор қозонади, дегани рост. Ота-онам, тенгдошларим орзу қилган тўкинчилик замонини кўриш, эл-юрт, давлатимиз эътиборида бўлиш насиб этгани учун Яратганга беадад шукроналар айтаман. Айниқса, Юртбошимизнинг доимий ғамхўрлиги биз, кексаларнинг умримизга-умр қўшмоқда. 2024 йилда давлатимиз раҳбари “Шуҳрат” медали билан тақдирлади. Бундай юксак эътибордан бошим кўкка етиб, гўё танамда қўшимча куч, елкамда қанот пайдо бўлди.

Бу юртда ҳалол меҳнат қилган инсонлар ҳамиша давлатимизнинг эътиборида. Илоҳим, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, амалга оширилаётган ислоҳотлар бардавом бўлсин. Хонадонимиздан файзу барака, дастурхонимиздан ризқ-рўз, қалбларимиздан меҳр-оқибат аримасин.

Маҳмуд ИСАЕВ,
«Шуҳрат» медали соҳиби.

Семинар

КАСАБА УЮШМА ЕТАКЧИЛАРИ – ЖЕНЕВАДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси ўртасида тасдиқланган 2026 йил учун қўшма тадбирлар режасига мувофиқ, Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси фаоллари учун Швейцариянинг Женева шаҳрида ўқув-семинар ташкил этилди.

“Касаба уюшмаларининг салоҳиятини ошириш асосида барқарор ва инклюзив иқтисодий ўсишга эришиш” мавзуидаги семинар-тренинг Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюросининг Европа ва Марказий Осиё бўйича масъул ходими Сергеюс Гловацкас ва ХМТ Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси директори Оливер Ропке билан учрашувда бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Нигора Алимжонова раҳбарлигидаги делегациянинг ХМТ Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси директори Оливер Ропке билан учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқот давомида бюро фаолиятининг устувор йўналишларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

ХМТ Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюросининг Европа ва Марказий Осиё бўйича масъул ходими Сергеюс Гловацкас билан бўлган учрашувда Халқаро меҳнат ташкилоти миссияси ва тузилмаси, унинг 114-конференцияси якунлари хусусида сўз борди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ижтимоий-меҳнат муносабатлари йўналишида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, тармоқ тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги илғор тажрибалар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Семинар давомида “ХМТнинг назорат тизими ва халқаро меҳнат стандартлари”, “Кимёвий хавфлар тўғрисида янги Конвенция, меҳнат муҳофазаси соҳасида ХМТ сиёсати”, “Рақамлаштириш соҳасида ХМТ сиёсати” мавзуларида маърузалар тингланди.

«Халқ сўзи».

Андижон вилоятининг Жалақудуқ, Марҳамат, Асака ва Андижон туманларидаги адир ерларни иқтисодий айланмага киритиш учун алоҳида «Агростар» компанияси ташкил этилади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 26 сентябрь

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КАТТА ТРАНСФОРМАЦИЯ ОСТОНАСИДА

Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи мустақиллигимизнинг 35 йиллик байрами тантаналари шукуҳи кезаётган кунларда янада юксак аҳамият касб этди, десак, айни ҳақиқат.

Муносабат

Ташриф давомида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш ҳамда Қорақалпоғистоннинг жадал тараққиётини таъминлашга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Оролбўйи эли билан юзма-юз, очиқ ҳамда самимий мулоқот эса сўнгги йилларда минтақада амалга оширилаётган туб ўзгаришлар нафақат натижа бераётганини, балки Қорақалпоғистон бугунги кунда бутун мамлакатимизнинг энг тез ривожланаётган етакчи иқтисодий локомотивларидан бирига айланганини кўрсатди.

Бинобарин, ҳудуддаги ислоҳотлар, йирик инвестициявий лойиҳалар ва ижтимоий дастурлар замирида, аввало, инсон манфаати ҳамда халқ фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

Улкан мақсадлар учун йирик маблағлар

Ташриф доирасида умумий қиймати 7,6 млрд. доллар бўлган лойиҳаларнинг ишга туширилиши ва янги ишлаб чиқариш қувватлари қурилишига старт берилиши ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлиги тобора ортиб бораётганидан далолатдир. Бу рақамлар ортида янги корхоналар, замонавий ишлаб чиқариш, маҳаллий кадрлар учун меҳнат имкониятлари ҳамда минглаб оилаларнинг барқарор даромад манбалари мужассам.

Сўнгги йилларда ҳудудни ривожлантириш учун катта маблағлар ажратилиб, алоҳида имтиёз тақдим этилди. Натижада ўтган йили 1 млрд. 700 млн. доллар инвестиция киритилди. Бу 2021 йилдагидан 22 карра кўп, демак. Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодиёт 10,2 фоиз ўсиб, Қорақалпоғистон Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи ўринни эгаллади.

Қорақалпоғистонни иқтисодий жиҳатдан оёққа турғазиш мақсадида мисли кўрилмаган преференциялар ва солиқ имтиёзлари берилиши, ҳудуднинг чексиз саҳролари ва кучли шамол салоҳияти мамлакатимизнинг энергетика мустақиллигига хизмат қилмоқда. Бу ерда сўнгги йилларда 860 МВт янги қувватлар ишга туширилиб, Беруний ва Қораўзакдаги шамол электр станциялари ҳисобига "яшил" энергия улуши 23 фоизга етказилди. Қувватлар манбаи 4 баробар ошди. Энг муҳими, 47 та янги лойиҳа қурилишига расман киришилди. Буларнинг барчаси аҳоли фаровонлигини таъминлаш билан бирга, "яшил" энергия улушини кўтаради. Бу, ўз навбатида, минтақани халқаро даражадаги тоза энергия хабига айлантиради.



Эътиборлиси, минтақанинг географик изоляциясини бузиш ва савдо йўлларини очиш бўйича улкан транспорт лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жумладан, "А-380" халқаро автомагистралининг Қўнғиротдан ўтган 240 километри Осиё тараққиёт банки молиявий кўмагида тўлиқ сифатли бетон қопламага ўтказилди. Эндиликда унинг Тўрткўл, Элликқалъа ва Берунийдан ўтган 92 километрини қуриш бошланди. Натижада транзит салоҳияти 1,5 баробар ошади. Юклар Тўрткўлдан Қозоғистон чегарасига 24 соат эмас, балки атиги 10 соатда етказилади.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам доимий эътибор марказидаги масаладир. "Тўямўйин" тозалаш иншооти реконструкция қилиниб, Қўнғиротдан Мўйноққача 100 километрлик янги ичимлик сув қувури тортилмоқда.

Аграр соҳадан рақамли технологияларгача

Дарвоқе, Қорақалпоғистон эндиликда нафақат саноат ва қишлоқ хўжалиги, балки юқори рақамли технологиялар марказига айланмоқда. Қўнғирот — Қораўзак — Тахиатош йўналиши ҳудуднинг "яшил саноат йўлаги" ва "интеллектуал иқтисодиёт учбурчаги" сифатида ривожлантирилади.

Сунъий интеллект ҳамда катта маълумотлар (Data) марказлари учун ташкил этилган махсус зонада умумий қиймати 8 млрд. доллар бўлган 6 та лойиҳа амалга оширилади. Келгуси уч йил ичида Нукус, Қўнғирот, Қораўзак ва Тахиатошда 1,5 минг нафар юқори даромадли IT ва муҳандислик иш ўринлари яратилади. Булутли технологиялар ҳамда СИ соҳасидаги йиллик экспорт ҳажми 600 млн. долларга етказилади.

Бўзатовда замонавий санаторий, Нукусда онкология ва радиология маркази, Қўнғиротда кўп тармоқли болалар шифохонаси ва туғуруқхона қад ростлади.



Амударё ва Тўрткўлда 2 минг ўринли муҳташам амфитеатрлар, Нукусда гимнастика маркази ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси филиали очилиб, маданий ҳаёт жонланди.

Қорақалпоғистон нафақат ўзининг бепоён ҳудуди, балки ер ости бойликлари билан ҳам мамлакат иқтисодиётининг муҳим таянчига айланмоқда. Рақамлар ҳайратланарли: 270 млн. тонна цемент ва 200 млн. тонна оҳак захираси, 256 млн. куб метр пардозбоп тошлар, шиша, гипс, вермикулит ва керамзит каби қурилиш материалларининг улкан захиралари аниқланган. Ушбу хомашё базаси ҳудудни йирик қурилиш материаллари кластерига айлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлади. Эндиги вазифа — бу бойликларни шунчаки қазиб олиш эмас, балки уларни чуқур қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айлантириш.

Бундан саккиз йил аввал Қорақалпоғистон иқтисодиёти аҳоли жон бошига ҳисобланган кўрсаткичлар бўйича республикада энг охирги ўринда эди. Бугун эса ҳудуд 7-ўринга кўтарилди. Экспорт салоҳиятидаги ўзгаришлар ҳам диққатга сазовор. Саноат маҳсулотларининг экспортдаги улуши 4 фоиздан 30 фоизга етди. Умумий экспорт ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 3,5 баробар ошиб, 2,1 млрд. долларни ташкил этгани ҳудудда тадбиркорлик ва ташқи савдо алоқалари янги сифат босқичига чиққанининг исботидир.

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади — инсон қадрини юксакка кўтариш ва одамларни рози қилиш. Шу нуқтаи назардан, белгиланган вазифалар аниқ: ишсизликни 4,2 фоизга, камбағалликни 3,2 фоизга тушириш; Нукус шаҳри, Қўнғирот ва Чимбой туманларини ишсизлик ва камбағалликдан тўлиқ холи ҳудудга айлантириш; "оғир" тоифадаги Бўзатов, Қонликўл, Мўйноқ ва Шуманай туманларида камбағалликни 2 баробар қисқартириш.

Келгуси беш йиллик тараққиёт харитаси

Президентимиз ташриф чоғида Қорақалпоғистоннинг келгуси беш йиллик тараққиёт харитасини чизиб берди. Мақсад — "ақлли" бошқарув ва адолатли тизим орқали мавжуд улкан ресурсларни ҳар бир оиланинг даромадига, ҳар бир маҳалланинг ободлигига айлантиришдан иборат. Бу ислоҳотлар натижасида Оролбўйи минтақаси нафақат саноат маркази, балки фаровон ҳаёт ҳамда юқори даромадли ҳудуд тимсолига айланади.

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтган йиғилишда Қорақалпоғистоннинг иқтисодий қиёфасини бутунлай ўзгартирадиган стратегик лойиҳалар ва инқилобий ёндашувлар эълон қилинди. Эндиликда ҳудуд нафақат саноат маркази, балки юқори технологиялар ва "ақлли" қишлоқ хўжалиги полигонига айланади.

Демакки, Қорақалпоғистон бугун катта трансформация остонасида турибди. Сунъий интеллект, "яшил" энергетика ва "ақлли" аграр технологияларнинг уйғунлашуви ҳудудни Ўзбекистон иқтисодиётининг янги драйверига айлантиради. Берилган имтиёзлар ва белгиланган йирик лойиҳалар нафақат иқтисодий рақамларни оширади, балки минглаб янги иш ўринлари ва аҳоли фаровонлигининг кафолати бўлади.

Эътиборлиси, эндиликда Қорақалпоғистоннинг нафақат иқтисодий, балки технологик ва туристик харитаси ҳам тубдан янгиланади. Бу ҳудуд Ўзбекистоннинг инновацион драйверига айланиб, энг замонавий технологиялар ва ноёб туристик йўналишлар маркази бўлади.

Ҳудудни комплекс ривожлантиришга қаратилган навбатдаги устувор вазифалар барча даражадаги раҳбарлар учун аниқ "Йўл харитаси" бўлди, дейиш мумкин. Ислоҳотлар натижалари қоғозда эмас, ҳар бир маҳалла ва хонадонда ўз аксини топиши шарт. Қорақалпоғистоннинг улкан ресурслари, инвестициялар ҳамда интеллектуал салоҳият бирлашиб, минтақани яшаш ва тадбиркорлик қилиш учун энг қулай ҳудудга айлантиради. Бунинг учун барчамиз елкама-елка туриб жонкуярлик билан ишлашимиз лозим.

Бердияр ЖОЛЛИБЕКОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори, профессор.

Такдимот

«ДАРС»: УСТОЗ ҚАДРИ ҲАҚИДАГИ ФИЛЬМ

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида режиссёр Отабек Йўлдошевнинг "Дарс" бадиий фильми тақдимоти бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази ҳамда "Ma'no Cinema" томонидан тақдим этилган фильм томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

"Дарс" — устоз меҳри, китобнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва таълим-тарбиянинг шахс камолотига таъсири ҳақидаги самимий ҳикоя. Фильм воқеалари бош қаҳрамон Ойқизнинг орзу-умидлари, хатолари ҳамда ҳаёт синовлари орқали ривожланиб боради. Томошабин унинг шошқалоқ, бироз хаёлпараст қиздан мустақил фикрлайдиган, ўз танлови ва хатти-ҳаракатлари учун масъулият ҳис қиладиган етук инсонга айланиш жараёнига гувоҳ бўлади.

Тақдимот жараёнида фильмдаги ҳаётий ва самимий саҳналар томошабинлар эътиборини тортди. Картина намойиши якунида залда ҳукм сурган илиқ муҳит ва билдирилган фикрлар "Дарс"да кўтарилган мавзулар томошабинга яқин ва тушунарли бўлганини кўрсатди.

«Халқ сўзи».

ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯ УЙҒУНЛИГИ

Фармацевтика ҳақида гап кетганда кўз олдимизга, аввало, дорихона пештахтаси, турли шакл ва номдаги дори воситалари келади. Аммо ҳар бир таблетка, капсула ёки эритма ортида кўзга кўринмайдиган улкан жараён — илмий изланиш, лаборатория тадқиқоти, технология, сифат назорати, мутахассис меҳнати ва мураккаб ишлаб чиқариш босқичи туради.

Фармацевтика

Кеча Тошкент фармацевтика институтида бўлиб ўтган "Фармацевтика соҳасининг бугунги ҳолати: муаммолар ва истиқболлар" мавзуидаги VII халқаро илмий-амалий конференцияда айнан ана шу ишлаб чиқариш занжирининг энг муҳим жиҳатлари ҳақида сўз борди. Унда Россия, Хитой, Венгрия, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа давлатлардан олимлар, таълим муассасалари вакиллари, тадқиқотчилар ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди.

Замонавий фармацевтикада энди фақат дори воситаси ишлаб чиқаришнинг ўзи кифоя эмас. Илмий ғояни технологияга, технологияни рақобатбардош маҳсулотга, илмий ишланмани эса инсон саломатлигига хизмат қиладиган амалий натижага айлантириш тобора долзарб кўриниш олмоқда.

— Бугун мамлакатимизда фармацевтика таълими олдида янги вазифалар турибди, — деди Тошкент фармацевтика институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Камол Ризаев. — Шу боис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш, халқаро таълим стандартларини жорий этиш ва халқаро аккредитацияни ривожлантириш, шунингдек, таълимни илм-фан ва амалиёт билан узвий боғлашга қаратилган ишлар изчил амалга оширилмоқда.



Дарҳақиқат, бугун фармацевтика соҳасига кириб келаётган ёш мутахассисдан фақат назарий билим талаб қилинмайди. У замонавий лаборатория ускуналари билан ишлай олиши, тадқиқот ўтказиши, технологияни тушуниши, илмий натижани амалиётга татбиқ эта олиши керак. Таълим, илм-фан, инновациялар ва фармацевтиканинг интеграцияси айнан шундай мутахассисларни тайёрлаш имконини беради.

Тошкент фармацевтика институти учун бу конференция яна бир жиҳати билан аҳамиятли. Муассаса бу йил 89 йиллигини нишонламоқда. Анжуманда таъкидлангани-дек, шу давр мобайнида институт минглаб мутахассисларни тайёрлади. Уларнинг кўпчилиги мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ва фармацевтика саноатида, шунингдек, хорижий илмий-таълим муассасалари ҳамда халқаро ташкилотларда фаолият юритмоқда. Бугунги вазифа эса ана шу мактабнинг тажрибасини янги технологиялар билан уйғунлаштиришдан иборат.

Анжуманда, шунингдек, Хитой, Венгрия, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа давлатлар вакилларининг ҳам маърузалари тингланди.

Халқаро анжуманнинг асосий қисми мавзу ва йўналишлардан келиб чиққан ҳолда бир нечта секцияларга бўлинди. Уларда фармацевтика таълими ва фанининг бугунги ҳолати, соҳадаги илмий изланишлар, инновацион ёндашувлар ҳамда халқаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир доирасида фармацевтика таълими ва илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ мутахассисларни тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

Ғолиб БАҲРОМОВ
(«Халқ сўзи»).

Акмал МУҲАММАДОВ олган сурат.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

«Панда дипломатияси»

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин АҚШга ташрифи давомида Оқ уйда баёнот бериб, "Хитой ҳукумати икки давлат ўртасидаги дўстлик рамзи сифатида АҚШга иккита панда юборади", деди.

"Гигант панда ҳамиша Хитой ва Америка халқлари ўртасидаги дўстлик рамзи бўлиб келган. Менда яхши хабар бор: бир неча кундан сўнг Пин Пин ва Фу Шуан лақабли икки панда Атланта ҳайвонот боғидаги янги уйига келтирилади", деди Си Цзиньпин.

Панда Хитойнинг норасмий рамзи ҳисобланади. Хорижий давлатлар Хитойдан пандаларни ўн йил муддатга ижарага олиши мумкин. Хитой дипломатик алоқаларни ўрнатиш учун ушбу воситадан фойдаланади. Ижара муддати тугагач, агар шартнома узайтирилмаса, ҳайвонлар Хитойга қайтарилиши керак. Бир жуфт панда учун Хитойга 250 минг доллардан бир миллион долларгача ҳақ тўланади.

Хитой томонидан хорижий давлатлар билан муносабатлар ўрнатишда қўлланадиган халқ дипломатиясининг бундай усули "панда дипломатияси" деб аталади.

Сайёҳлар сони ортмоқда

Геосиёсий беқарорлик, юқори нефть нархлари ва инфляция босимига қарамай, 2026 йилнинг биринчи ярмида дунё бўйлаб саёҳатлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан чамаси 3 миллионга ошди ва тахминан 690 миллионтага етди.

БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг сўнгги "Жаҳон туризм барометри"га кўра, йилнинг биринчи ярмида энг юқори ўсиш суръати Африкада қайд этилди. Америка қитъасидаги халқаро саёҳатлар — 2 фоиз, Осиё — Тинч океани минтақасида эса 1 фоиз ошди. Яқин Шарқда эса бу кўрсаткич минтақадаги можаро туфайли 22 фоиз камайди.

ЖСТ можаро туфайли ҳаво қатновидаги узилишлар аста-секин камайиб бораётганини таъкидламоқда. Май ва июнь ойларининг бошларида Яқин Шарқда вазият сезиларли даражада яхшиланди, ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатилиши баъзи ҳаво йўлларининг қайта тикланишига имкон берди.

Викинглар даврига оид хазина топилди

Швеция Миллий мерос кенгаши викинглар даври ва илк ўрта асрларга оид катта хазина топилганини хабар қилди.

Топилма таркибида тахминан 24 100 та кумуш танга ва 144 та бошқа буюм бор. Шунингдек, зарҳал ва оз миқдорда олтин буюмлар ҳам топилган. Уларнинг умумий ҳолати яхши экани айтилмоқда.

Таъкидланишича, топилма Швеция ҳудудидан ҳозиргача топилган энг йирик танга хазинаси ҳисобланади. У мамлакатнинг дастлабки иқтисодиёти, узоқ масофалардаги алоқалари ва ёзма манбаларда кам ёритилган даврдаги жамият тузилиши ҳақида янги маълумотлар бериши мумкин. Швеция Миллий мерос кенгаши хазинани 4 млн. крона (тахминан 400 минг доллар) товон пули эвазига давлат томонидан қабул қилиб олиш қарорини чиқарган.

Сунъий интеллектми ё суперинтеллект?

БМТ Бош Ассамблеясининг 81-сессиясида нутқ сўзлаган АҚШ Президенти Дональд Трамп сунъий интеллектни расмий равишда "суперинтеллект" деб аташни таклиф қилди. Унинг фикрича, "сунъий" сўзи технологиянинг сохта экани ҳақида нотўғри тасаввур уйғотади.

Оқ уй раҳбарининг айтишича, "суперинтеллект" атамаси АҚШнинг барча расмий ҳужжатларида қўлланилади. Шунингдек, у бошқа давлатлар ҳам ушбу амалиётдан фойдаланишини хоҳлашини билдирди. Трамп сунъий интеллектни "ҳайратланарли технология" деб атаб, уни ривожлантиришда эҳтиётқор бўлиш зарурлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, АҚШ глобал сунъий интеллект устидан назорат тизимини яратишга қаратилган ҳар қандай уринишни рад этишини билдирди.

Сув захиралари ҳажми камаймоқда

Жаҳон метеорология ташкилоти тадқиқотига кўра, Марказий Осиёда сув захиралари ва музликлар массаси камаймоқда. Тадқиқотчилар сўнгги беш йилдаги кўрсаткичларни ўрганиб, уларни 1991 — 2020 йиллардаги маълумотлар билан таққослаган.

Мутахассислар баҳосига кўра, минтақадаги сув омборларига сув келиши сезиларли даражада камайган. Марказий Осиё дарё оқими меъёрдан кам ёки сезиларли даражада паст бўлган дунё минтақалари қаторидан жой олган. Ташвишланарлиси шундаки, Марказий Осиёнинг тоғ музликлари тўплаётганидан кўра кўпроқ муз йўқотмоқда. Минтақа кузатувлар тарихидаги энг катта йўқотишлар қайд этилган дунёнинг учта ҳудуди қаторига кирган.

Айтилишича, 2023 — 2025 йилларда дунё музликлари умумий 1 400 гигатоннага яқин сувни йўқотган. Сўнгги беш йил ичида тоғ музликлари денгиз сатҳидан юқорида жойлашган муз массасининг 6,2 фоизи эриб кетган.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Тошкент шаҳрида ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни замонавий касбларга йўналтириш ҳамда тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга оид «Келажак тадбиркори — 2026» касб, бандлик ва тадбиркорлик имкониятлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 19 279 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.13 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6